

**01/23-сонли ШАРТНОМА**  
**етказиб бериш, ўрнатиш, монтаж қилиш**  
**ва ишга тушириш бўйича**

Тошкент шаҳри

2022 йил 25 ноябрь

Харид комиссиясининг (22110012177925-сонли лот бўйича 2022 йил 17 ноябрдаги баённома) қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги “Ўқув таълим-таъминот” давлат муассасасининг, кейинги ўринларда **“Буюртмачи”** деб юритилади, Устави асосида фаолият юритувчи директор Б.Исламов, бир томондан ва “SUN-HIGHTECH” масъулияти чекланган жамиятининг, кейинги ўринларда **“Ижрочи”** деб юритилади, Устави асосида фаолият юритувчи директор Э.Т.Абдуллаев иккинчи томондан, шунингдек, шартномада **“Томон”** сифатида алоҳида ва биргаликда **“Томонлар”** деб юритилади, ушбу шартномани қуйида келтирилганлар бўйича туздилар:

**I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ**

1.1. **“Буюртмачи”** мазкур шартнома шартларига кўра буюртмаларни беради, тўловларни амалга оширади ва мажбуриятларни бажаради.

**“Ижрочи”** мазкур шартноманинг 1-иловасига асосан 104 (бир юз тўрт) та умумтаълим мактабларига, жумладан Андижон вилоятидаги 45 (қирқ беш) та, Наманган вилоятидаги 35 (ўттиз беш) та, Фарғона вилоятидаги 24 (йигирма тўрт) та умумтаълим мактабларига техник топшириқга мос келадиган, қуввати 15 кВт дан, жами хаммаси бўлиб 1560 кВт дан кам бўлмаган фотоэлектр (қуёш нуридан электр қуввати ишлаб чиқарувчи) станцияларини (кейинги ўринларда **“Товар”** деб аталади) етказиб бериш, ўрнатиш, монтаж қилиш ва ишга тушириш бўйича, “товар”дан тўғри ва хавфсиз фойдаланиш бўйича фойдаланувчиларни дастлабки билимлар бериш, тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш (шу жумладан, ўрнатиш ва ишга тушириш ҳамда қабул қилиш далолатномалари) ишларни амалга оширади.

1.2. **“Буюртмачи”** томонидан Техник топшириқларга ҳар қандай ўзгартиришлар киритилган тақдирда, ушбу ўзгаришлар ушбу шартномага ёзма кўшимча келишув асосида **“Ижрочи”** билан келишилганидан кейин якуний ўзгартирилган деб ҳисобланади.

**II. ТОВАРНИНГ НАРХИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ**

2.1. Мазкур шартнома бўйича шартноманинг 1.1. бандидаги **“Товар”** (ишлар)нинг умумий қиймати қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) билан бирга **14 508 000 000** (ўн тўрт миллиард беш юз саккиз миллион) **сўмни** ташкил этади.

Шундан, тўловлар **“Буюртмачи”**нинг Молия вазирлиги Ғазначилигидаги 100010860262697092100075001 шахсий ҳисоб рақамидан **4 882 500 000,00** (тўрт миллиард саккиз юз саксон икки миллион беш юз минг) **сўм** қисми ва 400110860262667092100075001 шахсий ҳисоб рақамидан қолган **9 625 500 000,00** (тўққиз миллиард олти юз йигирма беш миллион беш юз минг) **сўм** қисми амалга оширилади.

2.2. Ушбу шартнома бўйича тўлов **“Буюртмачи”** томонидан **“Ижрочи”**нинг ҳисоб рақамига пул маблағларини қуйидаги тартибда ўтказиш йўли билан амалга оширилади:

2.2.1. **“Томонлар”** ушбу шартномани имзолаган ва Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб, 10 (ўн) иш куни ичида шартноманинг 2.1. бандидаги **“Товар”** (ишлар)нинг умумий қийматининг 15 (ўн беш) фоизи миқдорида аванс тўлов сифатида олдиндан тўлов;

2.2.2. Мазкур шартноманинг 1-иловасида кўрсатиб ўтилган ҳар бир умумтаълим мактаблар кесимида **“Товар”** ишлаб чиқариб ва етказиб берилганда, **“Буюртмачи”**га расмийлаштирилган **“Товар”**ни топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактуралар тақдим этилган кундан бошлаб, 15 (ўн беш) иш куни ичида **“Товар”** (ишлар)нинг умумий қийматининг 85 фоизи миқдоридаги якуний тўлов.

2.3. Тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш кафолати сифатида **“Ижрочи”** **“Буюртмачи”**нинг маҳсус ҳисоб рақамига мазкур шартнома тузилганидан 5 (беш) банк иш кунидан кечикмасдан пул маблағлари кўринишидаги **“Товар”** (ишлар)нинг умумий қийматининг 3 (уч) фоизи миқдоридаги кафолат суммасини ўтказиш мажбуриятини таъминлаши шарт.



Мазкур мажбурият **“Ижрочи”** томонидан бажарилмаган тақдирда **“Буюртмачи”** шартноманинг 2.2. бандида белгиланган муддатлар ўтганидан қатъий назар аванс тўлов сифатида олдиндан туловни ёки навбатдаги тўловни амалга оширмасликга ҳақли.

2.4. **“Буюртмачи”** томонидан шартноманинг 2.3. бандида кўрсатилган кафолат суммаси **“Ижрочи”**га ушбу шартнома шартларига мувофиқ белгиланган муддатларда миқдор ва сифат бўйича **“Товар”**ларни тўлиқ етказиб бериш, ўрнатиш, монтаж қилиш ва ишга тушириш, **“Товар”**дан тўғри ва хавфсиз фойдаланиш бўйича фойдаланувчиларни дастлабки билимлар бериш ишлари амалга оширилгандан сўнг, бажарилган ишларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилганда қайтарилади.

2.5. **“Ижрочи”** ушбу шартномани имзолаш орқали кафолат суммаси қайтарилган пайтда кафолат миқдоридан пеня, жарима тўловлари ва **“Буюртмачи”**га етказилган зарар миқдорининг ушлаб қолиниши бўйича **“Буюртмачи”** сўзсиз ҳуқуқга эга эканлигини ўз розилиги билан тасдиқлайди.

### **III. ТОВАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, ЕТКАЗИБ БЕРИШ, ЎРНАТИШ, МОНТАЖ ҚИЛИШ ВА ИШГА ТУШИРИШ ШАРТЛАРИ**

3.1. **“Ижрочи” “Буюртмачи”**га шартноманинг 1.1.бандидаги **“Товар”**ларни етказиб беришнинг сўнгги муддати 2022 йилнинг 15 (ўн бешинчи) декабрь куни ҳисобланади.

3.2. Ушбу Шартнома бўйича **“Ижрочи”** томонидан **“Буюртмачи”**га **“Товар”**ни ишлаб чиқариб ва етказиб бергандан кейин ва мазкур шартноманинг 2.1., 2.2.1, 2.2.2 бандларида кўрсатилган тўловлар тўлиқ амалга оширилгандан сўнг, **“Ижрочи”** 60 (олтмиш) иш куни давомида **“Товар”**ни ўрнатиш, монтаж қилиш ва ишга тушириш ишларини мажбуриятини ўз зиммасига олади. Шунда **“Ижрочи”** томонидан ишлар бажарилаётганда, об-ҳаво бузилиши ҳолатлари мавжуд бўлса (яъни, ёмғир ва қор ёқса, момақалди роқ ва туман мавжуд бўлганида, кучли шамол эсганда), унда меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлар вақтинчалик тўхталиди.

3.3. **“Ижрочи”** ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини **“Буюртмачи”** томонидан шартноманинг 2.2.1. бандига асосан **“Товар”** (ишлар)нинг умумий қийматининг 15 (ўн беш) фоизи миқдоридан аванс тўлов сифатида олдиндан тўловни амалга оширган кундан бошлаб бажаришга киришади.

### **IV. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

4.1. Ушбу шартнома бўйича **“Томонлар”** қуйидаги ҳуқуқларга эга:  
ушбу тузилган шартномани тузиш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;  
ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш учун амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган воситалар ва усулларни қўллаш.

4.2. Ушбу шартнома бўйича **“Томонлар”** қуйидагиларга мажбурдирлар:  
Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига риоя қилиш;  
тузилган ушбу шартнома талабларига мувофиқ ўз зиммасига олган мажбуриятларини ўз вақтида ва тегишли тартибда бажариш.

4.3. **“Буюртмачи”** қуйидагиларга мажбур:  
ушбу шартнома талабларига мувофиқ етказиб берилган **“Товар”** учун ўз вақтида дастлабки ва якуний тўловни амалга ошириш;  
**“Товар”**ни ўрнатиш тугалланганлиги тўғрисида билдиришнома олгандан сўнг, уч кун ичида **“Товар”**ни ўрнатиш бўйича иш хажмини кўриб чиқиш ва қабул қилиш ва нуқсонлар аниқланган тақдирда, бу ҳақда **“Ижрочи”**га маълум қилиш.

4.4. **“Ижрочи”** қуйидагиларга мажбур:  
ушбу шартноманинг 1.1. бандида кўрсатилган **“Товар”**ни белгиланган муддатларда миқдор ва сифат талаблари бўйича етказиб бериш;  
**“Буюртмачи”** вакили иштирокида ушбу шартнома бўйича **“Товар”**ни ишга туширишни амалга ошириш ва **“Товар”**ни ўрнатиш бўйича ишларни бажаришда **“Буюртмачи”**нинг ёзма ва (ёки) оғзаки тавсияларига риоя қилиш;  
техник топшириқлардан четга чиқишларни **“Буюртмачи”** билан келишиш;



ушбу шартномада белгиланган муддатларда **“Товар”**ни ўрнатиш, монтаж қилиш ва ишга тушириш ишларини бажариб **“Буюртмачига** топшириш;

ушбу шартномада кўрсатилган **“Товар”**ни ўрнатиш бўйича техник топшириқ ва иш хажмини **“Буюртмачи”**нинг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик.

#### **V. ТОВАР СИФАТИ ВА КАФОЛАТИ**

4.1. **“Ижрочи”** етказиб берилаётган **“Товар”**ларнинг харид ҳужжатларида белгиланган техник стандарт ва шартларга мос келишини кафолатлайди.

4.2. **“Товар”**нинг сифати ҳамда миқдори шартноманинг 6.2.-бандига мувофиқ **“Товар”**ни етказиб бериш манзилида текширилади ва қабул қилиб олинади.

4.3. **“Ижрочи”** лот бўйича топширилаётган ҳар бир партияга (мажбурий сертификацияга тегишли Товарлар) **“Товар”** номи ва миқдори кўрсатилган мувофиқлик сертификати тақдим этиши шарт.

4.4. **“Ижрочи”** шартномада келишилган **“Товар”**лар учун 36 (ўттиз олти) ойлик кафолат муддатини тақдим этади.

4.6. Кафолат хизмати **“Ижрочи”** мутахассисининг **“Товар”**нинг ўрнатилган (етказиб берилган) жойида алмаштириш ёки таъмирлаш йўли билан амалга оширилиши керак. Етказиб берилган **“Товар”**нинг кафолат муддати давомида нуқсони ёки носозлиги келиб чиққанда, **“Ижрочи”** 15 (ўн беш) кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни алмаштириш ёки таъмирлаш мажбуриятини олади. **“Ижрочи”** **“Буюртмачи”**га республика ҳудудларига етказиб берилган **“Товар”**ларнинг кафолат хизматини бажарадиган ташкилий тузилмасини тақдим этиши керак.

**“Ижрочи”** кафолат муддати давомида **“Товар”**ларни алмаштириш ёки таъмирлаш мажбуриятини бажармаса, ҳар бир **“Товар”** учун ушбу шартномада белгиланган миқдорда (**“Товар”**ни етказиб бериш ўрнатиш, ишга тушириш) тенг зарар пулини қоплаб беради.

4.7. Етказиб берувчининг ушбу шартномада назарда тутилган кафолат мажбурияти харидор томонидан **“Товар”**ни нотўғри ишлатиш натижасида келиб чиқадиган нуқсонларга нисбатан қўлланилмайди.

#### **VI. ТОВАРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ**

6.1. **“Товар”**ни қабул қилиш – жойлардаги Халқ таълими бошқармаси раҳбарлари, манзилли рўйхатда кўрсатилган умумтаълим мактаб директори ва **“Буюртмачи”** вакили ҳамда **“Ижрочи”** вакиллари иштирокида тузилган далолатномага мувофиқ, шартномада **“Товар”**га қўйилган талаблар доирасида амалга оширилади.

6.2. **“Товар”**ни қабул қилиб олиш натижалари бўйича **“Товар”**ларни қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади. Етказиб берилган **“Товар”**ларнинг ушбу шартнома шартларига мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда, камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги далолатнома расмийлаштирилади ҳамда дарҳол **“Ижрочи”**га тақдим этилади.

**“Ижрочи”**нинг айби билан етказиб бериш вақтида **“Товар”**нинг бузилиши ёки йўқолиши учун **“Ижрочи”** жавобгар бўлади. Йўқотилган ёки бузилган **“Товар”**лар етказиб берувчининг ўрнига янги маҳсулотни тақдим этиши орқали ўз ҳисобидан қопланади.

6.3. **“Ижрочи”** аниқланган камчиликларни далолатномани олган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида ўз маблағлари ҳисобидан бартараф этишга мажбурдир. **“Товар”**ларни қабул қилиб олиш муддати қабул қилиб олиш тўғрисидаги ёки камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги далолатномага асосан юборилган ҳисоб-фактуралари асосида аниқланади.

#### **VII. ДАЪВОЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ВА КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ**

7.1. Ушбу шартнома бўйича ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган **“Томон”** бошқа **“Томон”**га қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда даъволар қўйиш ҳуқуқига эга.

7.2. Ушбу шартнома бўйича даъво аризаси берилган **“Томон”** даъво олинган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида ушбу даъвога ёзма жавоб беришга мажбурдир.

7.3. Белгиланган муддатларда даъво аризаси рад этилган (қисман рад этилган) ёки жавоб ололмаган **“Томон”**, тегишли суд қарорини олиш учун Тошкент шаҳар иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиши мумкин.

#### **VII. ШАРТНОМА БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ**



## БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

8.1. “Ижрочи” “Товар”ларни етказиб беришни кечиктирса ёки умуман етказиб бермаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисми миқдорининг 0,5 % (фоизи) миқдорида пеня тўлайди, бироқ пенянинг умумий миқдори мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 50 % (фоизи) дан ошмаслиги керак. Пеня тўловларини тўлаш шартномавий мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

8.2. Агар етказиб берилган товарлар стандартларга, техник шартларга, қонунчиликда ёки ушбу шартномада ўрнатилган бошқа мажбурий шартларга жавоб бермаса, “Буюртмачи” “Товар”ни қабул қилишни ва ҳақини тўлашни рад қилишга ҳақли, бундай ҳолатда “Ижрочи” “Буюртмачи” га рад этилган “Товар”лар қийматининг 20% миқдорида жарима тўлайди ва “Товар”ни техник шартларга жавоб берадиган “Товар”га алмаштириши керак.

Шунингдек, “Ижрочи” мазкур шартноманинг 3.2.-бандига мувофиқ, етказиб берилган товарларни ўрнатиш, монтаж қилиш ва ишга тушириш ишларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, ишга туширилмаган товарлар қийматининг 20% миқдорида “Буюртмачи”га жарима тўлайди.

8.3. “Буюртмачи” етказиб берилган “Товар”лар учун (расмийлаштирилган ҳисоб-фактуралари, “Товар”ларни қабул қилиш далолатномалари ва (мутахассис) лаборатория ҳулосаларига асосан) тўловни ўз вақтида амалга оширмаса, “Ижрочи”га кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг 50 % дан кўп бўлмаслиги лозим.

8.4. Ушбу шартномада назарда тутилган пеня ва жарима санкцияларидан ташқари, “Ижрочи”нинг шартномада белгиланган мажбуриятлари бажарилмаслиги оқибати шартнома бекор қилинганда ёки “Товар”ни етказиб бериш муддати бир ойга (30 кунга) кечиктирилганда ҳамда мазкур шартноманинг 3.2.-бандига мувофиқ, етказиб берилган товарларни ўрнатиш, монтаж қилиш ва ишга тушириш ишларини ўз вақтида бажарилмаган ҳолларда кафолат суммаси “Ижрочи”га қайтарилмайди.

8.5. Етказиб берилган “Товар” учун тўловлар бюджетдан маблағлар ўз вақтида ажратилмаганлиги ёки “Буюртмачи”га тегишли бўлмаган бошқа сабабларга кўра ўз вақтида тўланмаслиги учун “Буюртмачи” жавобгар бўлмайди.

8.6. Ушбу шартнома ёки у билан боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган барча низолар ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал этилади.

8.7. Агар томонлар ўзаро келишувга келишмаса, шартнома бўйича келиб чиқадиган барча низолар Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилишига келишдилар.

## IX. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

9.1. “Томонлар” шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганликлари учун, агар уларни бажаришнинг иложсизлиги шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишига бевосита таъсир қилувчи табиий офатлар ёки ҳарбий ҳаракатлар, шунингдек, давлат органлари томонидан ушбу шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи қонун ҳужжатларини қабул қилиш ва (ёки) ўзгартириш каби форс-мажор ҳолатлари натижасида юз берган бўлса, жавобгар бўлмайдилар.

## X. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

10.1. Мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда “Томонлар”, уларнинг ходимлари ёки воситачилари ҳар қандай шахсга тўғридан-тўғри ёки билвосита пул ёки қимматбаҳо нарсаларни тўламайди, тўлашни таклиф қилмайди ёки тўлашга руҳсат бермайди. Ҳар қандай шахсларнинг қарорлари ўзгартиришлари учун ёки номақбул устунликка эришиш ёки бошқа номувофиқ мақсадларга эришишга йўл қўймайди.

10.2. “Томонлар”, уларнинг ходимлари ёки воситачилари ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда амалдаги қонунчиликда пора бериш(олиш), шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларини ёки коррупцияга қарши халқаро актлар талабларини бузувчи бошқа ҳаракатларни амалга оширмайдилар.

10.3. Агар томонлардан бири ушбу банднинг ҳар қандай қоидаларининг бузилиши содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилса, тегишли томон бошқа томонни ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини олади. Ёзма билдиришномада томон бошқа



томон, унинг ходимлари ёки воситачилари томонидан ушбу банднинг ҳар қандай қоидалари бузилиши содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин бўлганлигини ишончли тасдиқловчи ёки ишонтириш учун асос бўладиган фактларга ҳавола қилиши ёки материалларни тақдим қилиши керак.

10.4. Агар “Томонлар”дан бири ушбу банд қоидаларини бузса, бошқа “Томон” шартномани бир томонлама бекор қилиш тўғрисида ёзма билдиришнома юбориш орқали шартномани суддан ташқари бир томонлама тартибда бекор қилишга ҳақли.

#### **ХІ. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР**

11.1. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма равишда тузилган ва томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

11.2. “Томонлар”нинг ҳеч бири бошқа “Томон”нинг ёзма розилигисиз шартнома бўйича ўз ҳуқуқларини учинчи томонга ўтказишга ҳақли эмас.

11.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха ҳам бир хил ва бир хил юридик кучга эга. “Томонлар”нинг ҳар бири ушбу Шартноманинг битта нусхасига эга.

11.4. Ушбу шартномада назарда тутилмаган барча масалаларда томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига амал қиладилар.

11.5. Ушбу шартнома имзоланган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга қиради ва томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаргунга қадар, 2022 йил 31 декабрдан кечиктирмасдан амал қилади.

Шартноманинг амал қилиш муддати қушимча келишув асосида узайтирилиши мумкин.

#### **ХІІ. МАНЗИЛЛАР ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ**

##### **«БУЮРТМАЧИ»**

**«Ўқув таълим-таъминот» ДМ**  
Манзил: Тошкент ш., Юнусобод тумани,  
13-мавзе, 49Б-уй. Тел: (55) 501-33-40  
Ягона ғазна ҳисобварағи  
ЎЗР МБ Тошкент шаҳар ҲККМ  
х/р: 2340 2000 3001 0000 1010  
МФО: 00014, СТИР: 201122919  
ШХР: 100010860262697092100075001  
ШХР: 400110860262667092100075001  
**Кафолат маблағларини  
қабул қилиш ҳисобварағи**  
х/р: 2021 0000 7001 0156 1002  
Ипотекабанк Меҳнат ф-ли, МФО: 00423,  
СТИР 200524742, ИФУТ 49410

Директор  **Б.Исламов**



##### **«ИЖРОЧИ»**

**«SUN-HIGHTECH» МЧЖ**  
Манзил: Тошкент ш., Юнусобод  
тумани, Боғишамол кўчаси 160 уй,  
Юнусобод кичик саноат зонаси.  
Тел: (94) 777-78-88  
х/р: 2020 8000 2052 0055 3001  
**«ЎЗСАНОАТКУРИЛИШБАНК» АТБ**  
БОШ ОФИСИ, МФО: 00440,  
СТИР 307 258 109, ИФУТ 27900

Бош директор  **Э.Абдуллаев**





Бундан кейин «Буюртмачи» деб аталувчи, Низом асосида иш юритувчи «Ўқув таълим-таъминоти» Давлат муассасаси номидан Директор Б.Р.Исламов ва бундан кейин «Ижрочи» деб аталувчи, Устав асосида иш юритувчи «SUN-HIGHTECH» масъулияти чекланган жамияти (МЧЖ) номидан директор Э.Т.Абдуллаев бошқа томон, Шартноманинг умумий нархи ҚҚС ни ҳисобга олган ҳолда 14 508 000 000 (Ўн тўрт миллиард беш юз саккиз миллион) сўмни ташкил этиши ва қуйидагиларни ўз ичига олиши тўғрисида келишиб олдилар:

№ т/р	Мактаблар жойлашган манзиллар	Умум таълим мактаблари	Хар бир мактабга ўрнатиладиган Қуёш фотоэлектрик станцияни қуввати (кВт)	Тендер жараёнида қабул қилинган қийматлар миқдори ҚҚС билан (сўм)	шу жумладан	
					Қиймат миқдори ҚҚСсиз (сўм)	ҚҚСни қиймат миқдорлари (сўм)
1	2	3	4	5	6	7
<b>I. Андижон вилояти</b>						
1	Андижон тумани, “Отчопар” МФЙ	50-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
2	Андижон тумани, “Сўлтонобод” МФЙ	49-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
3	Андижон тумани, “Дулдур” МФЙ	9-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
4	Асака тумани, “Навкан” МФЙ	32-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
5	Асака тумани, “Янгисор” МФЙ	5-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
6	Асака тумани, “Сохибкор” МФЙ	61-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
7	Асака тумани, “Эргашобод” МФЙ	4-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
8	Асака тумани, “Меҳнатобод” МФЙ	49-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
9	Балыкчи тумани, “Саховат” МФЙ	53-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
10	Балыкчи тумани, “Халфачек” МФЙ, “Порлок” кўчаси, 35 уй	20-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
11	Балыкчи тумани, “Жартепа” МФЙ, “Шамсиқўл” кўчаси, 25 уй	21-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
12	Балыкчи тумани, “Янги қишлоқ” МФЙ, “Истикбол” кўчаси, 1 уй	28-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
13	Булокбоши тумани, “Қуамарик” МФЙ	18-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
14	Булокбоши тумани, “Истиклол” МФЙ	14-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
15	Булокбоши тумани, “Буюк турон” МФЙ	43-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
16	Бустон тумани, “Бўстон” МФЙ	26-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
17	Бустон тумани, “Гулистон” МФЙ	20-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
18	Джалоқудук тумани, “Бузрукхонтўра” МФЙ	36-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
19	Джалоқудук тумани, “Ҳақиқат” МФЙ	39-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
20	Джалоқудук тумани, “Бешарик” МФЙ	1-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
21	Джалоқудук тумани, “Кесак” МФЙ	28-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
22	Джалоқудук тумани, “Хамзаобод” МФЙ	46-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
23	Избоскан тумани, “Наврўзобод” МФЙ, Кунчи кўчаси, 50-уй	48-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20



№ т/р	Мактаблар жойлашган манзиллар	Умум таълим мактаблари	Хар бир мактабга ўрнатиладиган Куёш фотоэлектрик станцияни қуввати (кВт)	Тендер жараёнида қабул қилинган қийматлар миқдори ҚҚС билан (сўм)	шу жумладан	
					Қиймат миқдори ҚҚСсиз (сўм)	ҚҚСни қиймат миқдорлари (сўм)
1	2	3	4	5	6	7
24	Избоскан тумани, "Чўртонлик" МФЙ	49-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
25	Избоскан тумани, "Дўстлик" МФЙ	33-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
26	Мархамат тумани, "Қорабоғиш" МФЙ	35-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
27	Мархамат тумани, "Янги Хаёт" МФЙ, Кайнар бўлок кўчаси, 33 уй.	37-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
28	Олтинкул тумани, "Ўрта" МФЙ	29-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
29	Пахтаобод тумани, "Гулитон пастқишлоқ" МФЙ	7-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
30	Пахтаобод тумани, "Тўраобод" МФЙ	32-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
31	Улуғнор тумани, "Учқўприк" МФЙ	25-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
32	Улуғнор тумани, "Тўрткўл" МФЙ	8-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
33	Улуғнор тумани, "Янгиобод" МФЙ	13-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
34	Шахрихон тумани, "Бирлашкан" МФЙ	33-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
35	Шахрихон тумани, "Найман" МФЙ	27-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
36	Шахрихон тумани, "Шайдо" МФЙ	69-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
37	Қургонтепа тумани, "Иштимоят" МФЙ, "Янги ер" кўчаси, 14 уй	14-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
38	Қургонтепа тумани, "Чорвадор" МФЙ,	44-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
39	Қургонтепа тумани, "Нодира" МФЙ,	18-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
40	Қургонтепа тумани, "Суткон" МФЙ	31-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
41	Қургонтепа тумани, "Навбахор" МФЙ	43-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
42	Ходжаобод тумани, "Уч кўча" МФЙ	7-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
43	Ходжаобод тумани, "Гулистон" МФЙ	23-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
44	Ходжаобод тумани, "Солпи" МФЙ	25-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
45	Ходжаобод тумани, "Қорабулок" МФЙ, "Тикланиш" кўчаси	29-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
<b>2. Наманган вилояти</b>						
46	Номанган шаҳри, "Гулбоғ" МФЙ, Ширасонбоғ кўчаси, 4 уй	85-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
47	Наманган шаҳри, "Барқамол авлод" МФЙ	88-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
48	Давлатобод тумани, "Давлатобод" МФЙ	84-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
49	Косон тумани, "Хонқўрғон" МФЙ, Хонқўрғон кўчаси, 61 уй	11-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20



№ т/р	Мақтаблар жойлашган манзиллар	Умум таълим мақтаблари	Хар бир мақтабга ўрнатиладиган Қуёш фотоэлектрик станцияни қуввати (кВт)	Тендер жараёнида қабул қилинган қийматлар миқдори ҚҚС билан (сўм)	шу жумладан	
					Қиймат миқдори ҚҚСсиз (сўм)	ҚҚСни қиймат миқдорлари (сўм)
1	2	3	4	5	6	7
50	Косон тумани, "Жар" МФЙ	54-сонли мақтаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
51	Мингбулок тумани, "Балангуртепа" МФЙ, Толиовул кўчаси, 121 уй	21-сонли мақтаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
52	Мингбулок тумани, "Ингичка" МФЙ, Мехр кўчаси, 10 уй	30-сонли мақтаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
53	Мингбулок тумани, "Дамкўл" МФЙ, Намуна кўчаси	50-сонли мақтаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
54	Номангон тумани, "Муллақудинг" МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 70 уй	40-сонли мақтаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
55	Номангон тумани, "Гулдров" МФЙ, Гунча кўчаси, 31 уй	41-сонли мақтаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
56	Норин тумани, "Қизилтов" МФЙ	21-сонли мақтаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
57	Норин тумани, "Кемабоши" МФЙ	29-сонли мақтаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
58	Поп тумани, "Кўштепа" МФЙ, "Тинчлик" кўчаси	47-сонли мақтаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
59	Поп тумани, "Чоркесар" МФЙ, "Булокбоши" кўчаси	61-сонли мақтаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
60	Турақўргон тумани, "Бозорбоши" МФЙ, Ўзбекистон кўчаси	53-сонли мақтаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
61	Турақўргон тумани, "Етгикон" МФЙ, Гўзал кўчаси	54-сонли мақтаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
62	Уйчин тумани, "Кесканёр" МФЙ, Мевазор кўчаси, 9 уй	30-сонли мақтаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
63	Уйчин тумани, "Янгиҳаёт" МФЙ, Мавлонов кўчаси, 1 уй	42-сонли мақтаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
64	Чортоқ тумани, "Бештол" МФЙ, Бештол кўчаси, 1-уй	27-сонли мақтаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
65	Чортоқ тумани, "Бештол" МФЙ, "Булок боши" массиви, 1-уй	55-сонли мақтаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
66	Учқўргон тумани, "Гулистон" МФЙ, Ўзбекистон кўчаси, 1 уй	26-сонли мақтаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
67	Чўст тумани, "Варзигон" МФЙ	34-сонли мақтаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
68	Чўст тумани, "Янгиовод" МФЙ	36-сонли мақтаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
69	Чўст тумани, "Қизилтепа" МФЙ	44-сонли мақтаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
70	Чўст тумани, "Янгиер" МФЙ	53-сонли мақтаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
71	Чўст тумани, "Тоймасобод" МФЙ	63-сонли мақтаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20

№ т/р	Мактаблар жойлашган манзиллар	Умум таълим мактаблари	Хар бир мактабга ўрнатиладиган Куёш фотоэлектрик станцияни қуввати (кВт)	Тендер жараёнида қабул қилинган қиймаглар миқдори ҚҚС билан (сўм)	шу жумладан	
					Қиймат миқдори ҚҚСсиз (сўм)	ҚҚСни қиймат миқдорлари (сўм)
1	2	3	4	5	6	7
72	Чўст тумани, "Шербиллак" МФЙ	73-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
73	Янгиқўргон тумани, "Гаистон" МФЙ	5-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
74	Янгиқўргон тумани, "Дўстлик" МФЙ	54-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
75	Янгиқўргон тумани, "Ғайрат" МФЙ	14-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
76	Янгиқўргон тумани, "Ғовазон" МФЙ	61-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
77	Янгиқўргон тумани, "Ровот" МФЙ	39-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
78	Янгиқўргон тумани, "Хадикент" МФЙ	42-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
79	Янгиқўргон тумани, "Оқ Том" МФЙ	18-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
80	Янгиқўргон тумани, "Салмон" МФЙ	41-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
<b>3. Ферғона вилояти</b>						
81	Куvasой тумани, "Бўстон" МФЙ, "Қарамқул" кишлоғи	28-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
82	Боғдод тумани, "Саховат" МФЙ	7-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
83	Боғдод тумани, "Ултарма" МФЙ	52-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
84	Бешарық тумани, "Чинбой" МФЙ	38-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
85	Бешарық тумани, "Юқори товул" МФЙ, "Қаторгол" кишлоғи	58-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
86	Бувайди тумани, "Бумазор" МФЙ, "Бумазор" кишлоғи	51-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
87	Дангари тумани, "Боғиш" МФЙ	8-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
88	Дангари тумани, "Тайпок" МФЙ, Қудук кишлоғи	21-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
89	Язъяван тумани, "Сойёни" МФЙ	15-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
90	Язъяван тумани, "Янгибўстон" МФЙ, Мустақиллик кўчаси	33-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
91	Язъяван тумани, "Мустаҳкам дўстлик" МФЙ	35-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
92	Олтиарик тумани, "Обод" МФЙ, Оқ булок кўчаси, 20 уй	33-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
93	Олтиарик тумани, "Журак" МФЙ	40-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
94	Куштёпа тумани, "Бўстон" МФЙ, ул. Каналбуий	42-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
95	Сох тумани, "Навобод" МФЙ, "Малбут" кишлоғи, Малбут кўчаси, 86 уй	6-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20



№ т/р	Мактаблар жойлашган манзиллар	Умум таълим мактаблари	Хар бир мактабга ўрнатиладиган Куёш фотоэлектрик станцияни куввати (кВт)	Тендер жараёнида қабул қилинган қийматлар микдори ҚҚС билан (сўм)	шу жумладан	
					Қиймат микдори ҚҚСсиз (сўм)	ҚҚСни қиймат микдорлари (сўм)
1	2	3	4	5	6	7
96	Ташлак тумани, “Хонақа” МФЙ, Хонақа кўчаси, 68 уй	31-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
97	Ташлак тумани, “Бўстон” МФЙ, Бўстон кўчаси, 1 уй	35-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
98	Учкўприк тумани, “Сойбуи” МФЙ, “Кичиккашқар” кишлоғи	52-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
99	Ферғона тумани, “Ямбарок” МФЙ	5-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
100	Ферғона тумани, “Бирдамлик” МФЙ	34-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
101	Фуркат тумани, “Кушчи” МФЙ, “Чек шариф” кишлоғи, Ўзбекистон кўчаси, 19 уй	5-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
102	Ўзбекистон тумани, “Ўрта кишлоқ” МФЙ, “Сулаймон” кишлоғи, Ўзбекистон кўчаси, 34 уй	53-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
103	Қува тумани, “Маданият” МФЙ, “Шарк Юлдузи” кишлоғи	55-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
104	Қува тумани, “Қайирма” МФЙ, “Қайирма” кишлоғи	66-сонли мактаб	15	139 500 000,00	121 304 347,80	18 195 652,20
<b>ЖАМИ:</b>			<b>1 560</b>	<b>14 508 000 000,00</b>	<b>12 615 652 171,20</b>	<b>1 892 347 828,80</b>

Шартнома нархларига юқорида кўрсатилган усқунанинг нархи, етказиб бериш, шунингдек, усқунани ўрнатиш, монтаж қилиш ва ишга тушириш харажатлари кирди.

**«БҮЮРТМАЧИ»**  
«Ўқув таълим-таъминот» ДМ


Директор



Б.Р.Исламов

**«ИЖРОЧИ»**  
«SUN-HIGHTECH» МЧЖ

Бош директор



Э.Т.Абдуллаев



Тошкент шаҳри  
25 ноябрь, 2022 йил  
1/024

### ХУЛОСА

(шартнома лойиҳасининг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан)

Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги ҳамда “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги қонунлари асосида ҳаракат қилувчи «ALBATROSS CONSULTING» адвокатлик бюроси адвокати Курбонов Рамзбек Маматкаримович (лицензия №ТН 002030, 19.10.2021 йилда Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан берилган), 16.03.2022 йилда тузилган 01/04-сонли шартнома асосида, «O'QUV TA'LIM TA'MINOT» ДМ (Буюртмачи) билан “SUN NIGHTECH” МЧЖ (Ижрочи) ўртасида 25.11.2022 йилда тузилган 01/23-сонли шартномани Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни 21-моддаси тартибида ҳуқуқий экспертизадан ўтказдим.

Шартномани ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш жараёнида адвокатлик бюросига маълум бўлган, мазкур шартномани бевосита ёки билвосита тартибга соладиган барча қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилди.

Ҳуқуқий экспертизага тақдим қилинган шартнома қуйидагилар билан тартибга солинади:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси;
2. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни;
3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни.

Юқорида тилга олинган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ, шартнома тузиш эркинлиги принципига асосан, ўзаро манфаатдорлик нуқтайи назаридан тузилган мазкур шартномада, шартнома тузиш учун ўзаро келишиш лозим бўлган барча масалалар юзасидан келишувга эришилган, жумладан лойиҳада: шартнома предмети, бажариш муддатлари, ўзаро ҳисоб китобларни амалга ошириш тартиби, махсулот етказиб бериш шартлари ва муддатлари, тарафларнинг мажбуриятлари, мажбуриятлар бажарилмаслигининг оқибатлари, низоларни ҳал қилиш тартиби, тарафларнинг реқвизитлари, шартнома тузиш вақти ва жойи, қўлланиладиган ҳуқуқ юзасидан келишувга эришилган.

Шартномада назарда тутилган жавобгарлик чоралари, коррупцияга қарши шартлар ва низоларни ҳал қилиш тартиби амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ тарзда белгиланган.

Баён қилинганларга мувофиқ экспертизага тақдим қилинган лойиҳа асосида шартнома тузиш мумкин деб ҳисоблайман.

Мазкур хулоса адвокатлик бюросига тақдим қилинган ҳужжатлар асосида берилди.

Тақдим қилинган ҳужжатлар ва маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун адвокатлик бюроси жавоб бермайди.

Адвокат Р.М.Курбонов  
хизмат гувоҳномаси №2385, 18.08.2021 йилда

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан берилган.

